



TURKISTAN

# Жанубий Қозғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқады

2022 йил 18 январь, сешанба, №6 (3059).

## ЭХТИЁТ ЧОРАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ!

Вилоятимизда сүнгги кечакундузда 147 одамда КВИ аниқланды. Пандемия бошланганидан бүён вилоятимизда 16333та ҳолат рўйхатга олинган. Ундан 8057таси хасталик аломатларисиз ўтган.

Бугунги кунда Туркистон вилояти “яшил” худудда.

Инфекцияли стационарларда 809та ўрин мавжуд, шундан 68таси бўш. COVID-19га қарши 150та эмлаш пункти фаолият юритмоқда, 1046093 одам эмланди, 1032521 одам вакцинанинг иккинчи компонентини олишга улгурди.

Pfizer вакцинасининг биринчи компонентини 94940, иккинчи компонентини 35800 одам қабул қилди. 54731 одам қайта эмланди.

**Вилоят ҳокимининг  
матбуот хизмати.**

## ҚР ПРЕЗИДЕНТИ КУЧИШЛАТАР ТУЗИЛМАЛАР РАҲБАРЛАРИ БИЛАН ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗДИ

ҚР Президенти Қасим-Жўмат Тўқаев раислигида ваколатли органлар раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Бош прокуратура, Миллий хавфсизлик қўмитаси, Мудофаа ва Ички ишлар вазирликларининг биринчи раҳбарлари, шунингдек, Президент Маъмурияти ҳамда Хавфсизлик Кенгаси Девони раҳбарлари иштирок этди.

ҚР Президентига январь ойининг биринчи ўн кунлигига мамлакатнинг қатор худудларида содир бўлган воқеалар юзасидан судгача терговнинг бориши, шунингдек, ўтказилган маҳсус операциялар якунлари ҳамда мамлакатда жамоат хавфсизлиги ва қонунийликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида маълумот берилди.

Учрашув якуннада Қасим-Жўмат Тўқаев қатор аниқ топшириклар берди. Қозғистонда, шу жумладан, Алмати шаҳрида содир бўлган фожиали воқеаларни ҳар томонлама ўрганиш, ҳалок бўлган тинч аҳолининг аниқ сонини аниқлаш, оғир пайтларда кучишлиратар тузилмалари

ҳаракатларини мувофиқлаштиришнинг янги меъёрий-хуқуқий базасини ишлаб чиқиша алоҳида эътибор қаратилди.

Қасим-Жўмат Тўқаев Хавфсизлик Кенгаси котибига Махсус операциялар кучларини шакллантиришни жадаллаштириш ва миллий хавфсизлик тизимини қайта қуриш юзасидан аниқ таклиф киритиш борасида топшириқ берди.

Давлат раҳбари аксилтеррор операциялари ва тергов ҳаракатлари давомида фуқаролар хуқуқлари бузилишининг олдини олиш муҳимлигини таъкидлади.

Казинформ.



### ҚИСҚА САТРЛАРДА

- ҚР Парлamenti Мажлиси депутатлари бир кунлик иш ҳақини «Қозғистон ҳалқига» жамғармасига ўтказдилар.

- Туркияда қолиб кетган қозғистонликларни мамлакатга етказиш тадбирлари якунланди.

- Apple ўз ходимларини коронавирусга қарши эмлашни талаб қилмоқда.

- Қозғистонда бир кечакундузда 11,5 минг кишида коронавирус ҳолати қайд этилди.

- Японияда вулқон отилиши Тинч океанида цунамига сабаб бўлди.

- Туркия партиялари Қозғистондаги январь воқеаларига доир муштарак баёнот берди.

- Австралия очиқ чемпионати илк бор тўқизи нафар қозғистонлик тенинсичи иштирок этади.

- ҚР Бош прокуратураси тартибсизликлар ва терактлар қурбонларининг умумий сонини эълон қилди.

- ҚР Президенти Маъмурияти ходимлари бир кунлик иш ҳақини «Қозғистон ҳалқига» жамғармасига ўтказди.

## БЛОК-БЕКАТЛАР ОЛИБ ТАШЛАНДИ



Давлат раҳбарининг Фармони билан Туркистон вилояти ҳамда Шимкент шаҳрида фавқулодда ҳолат тўхтатилди. Шунга кўра вилоятимиздаги қирқдан зиёд блок-бекатлари олиб ташланди. Бироқ Жамбил ва Қизилурда вилоятлари билан чегарадош блок-бекатлар ҳозирча ишини давом эттиради. Аҳолига, йўловчиларга эркин юриш имкони берилади. Фавқулодда вазият пайтида блок-бекатлар орқали бирор натижаларга эришилди. Қарийб 30 минг автотранспорт воситалари текширилди. Алмати, Шимкент шаҳарларида юз берган ҳодисаларда иштирок этган, куроласлаҳалар билан юрган фуқаролар кўлга олинди. Вилоят миқёсида 16та жиноий иш қўзғатилган. Тинч намойишларга иштирок этганларга тушунтириш ишлари юритилди, айримларига маъмурий чора қўлланилиб, баъзилари уйларига қайtarildi. Вазият тўлиқ барқарорлашди, – деди Үмирзак Шўкеев.

Вилоят раҳбари анъанага кўра туманга сафари чоғида маҳаллий фахрийлар, зиёлилар, фаол фуқаролар билан учрашиди.

Учрашувда минақа раҳбари “Президентимиз топшириғига мувофиқ юртимизда ёқилғи нархи барқарорлашиди. Энди қимматчиликка, ишсизликка қарши чора-тадбирларни топайтиришимиз керак. Айниқса, ёшларни тадбиркорликка тарғиб қилиш муҳим. Албатта, ҳамма ҳам ишбайлармон бўлавермайди. Бироқ маҳаллий ёшлар орасидан тадбиркорликка мойилларини излаб, топиб уларнинг ғояларини кўллаб-кувватлаш керак. Уларга шароит яратилса, иш билан таъминланса, давлатимиз тараққий этади. Юртимизда ривожланишга, меҳнат қилишга барча шароитлар яратилган. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, хусусан сувни тежайдиган усусларни амалга ошириш жоиз. Умуман вилоятимизда газлаштириш, инфратузилмани яхшилаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Туркистон шаҳрига сув қувуруни тортиш манбаларини топдик. Сув омборлари барпо этилди. Биргалашиб меҳнат қилсан, аҳолининг ниятлари ҳам амалга ошиши аниқ, дея аҳолининг шикоят ва таклифларини тинглади. Шунингдек, юртимизда коронавирус хас-

талиги қайта кучайланлигига ургу бериб, санитария талабларига қатъий риоя қилиш жоизлигини таъкидлади. Ўрдабошиликлар сув, бандлик ва бошқа масалалар юзасидан саволлар бериши. Бирлик ҳамда осойишталик туғи кўтарилиган Ўрдабоши минтақасининг аҳолиси, оқсоқоллари тинчлик, барқарорлик халқимизнинг асосий қадриятларидан эканлигига тўхталиб, вилоядта кўлга олинаётган лойиҳаларга муваффақият тилашиди. Минтақа раҳбари ўша куни туман марказидаги очилган аҳолига хизмат кўрсатиш марказига ҳам борди. Унга янги технологиялар ёрдамида амалга оширилаётган имкониятлар намойиш қилинди. Шунингдек, вилоят ҳокими Шубарсу қишлоғидаги умумий ўрта мактабнинг янгидан барпо этилган 200 ўринли биноси билан танишиди. Ушбу мактаб қишлоққа Ўзбекистондан ватандoshларнинг кўплаб кўчиб келиши ва демографик ўсишнинг ошиши туфайли янгиланиб, кенгайтирилмоқда.

**Вилоят ҳокимининг  
матбуот хизмати.**

# Ў. ШҮКЕЕВ: “САЙРАМ ТУМАНИНИНГ ТАЖРИБАСИНИ ҚҰЛЛАШ КЕРАК”

Түркістан вилоятининг Сайрам туманида “Парасат” дебат клубы фаолият юритади. Туман ҳокимининг құллови билан ташкил этилған клубда маҳаллий раҳбарлар ва ахоли доимий равища утрашиб, долзарб масалаларни мұхокама қиладылар. Тақидлаш жоизки, айрим масалалар үз ечимини топмоқда. Түркістан вилояты ҳокими Ў. Шүкеев Сайрам туманига хизмат сафари өткізу үшін тажрибани барча туман ва шаҳарларда жорий қилишини топшириди.

Қорабулоқ қишлоғида Сайрам туманинг зиёлілары ҳамда маҳаллий ахоли билан үтгандың учрашуда минтақа раҳбари сайрамликтарнинг тақлиф ва муложазаларини тинглади. Эл Президенти Қасим-Жұмарт Тұқаевнинг топшириғига күра, гарбий ва жанубий вилоятларни ривожлантириш рәжеси тайёрленишини, бу ташаббус әл фаровонлигини ошириша ижоби тәсір күрсатишина тақидлады. Шу билан бирға, фавқулодда ҳолат пайтида бирлиги ва союзшыларни сақлаган Түркістан юртнинг ватанпаратындағы миннатдорчылығын билдириб, буниниң барчаси маҳаллий ҳокимлар ва жамоат аязоларининг ахоли билан алоқасининг яхши даражада бүлганиннеге белгиси эканини маълум қилды.

– Минтақа ахолисининг яқдиллігі, шүнгідек, ҳуқук-тартибот посбонлары, ҳоқимлар, жамоат фаяллары, зиёлілар ҳамда құнғиллы әшшарнинг ҳамкорлик-дагы қарастарлары натижасыда вилоятимизда жамоат тартибини бузыш ҳоллар рўйхатга олинмади. Тинч намойишлар ўтди, уларнинг иштирокчилари билан тушунтириш ишлари юритилиб, мұлоқот ўрнатилди. Натижада, вилоятимизда

фавқулодда ҳолат тартиби бекор қилинди. Кабинетте үтираверсанг, ҳалқ билан учрашиб турмасанг, жамиятдаги баъзи масалаларни билмай қолишиңг мүмкін. Шунинг учун пандемия күлемизни бойласа-да, туман, шаҳарларга сафаримни албатта, давом эттириб, фахрийлар, зиёлілар билан учрашаман. Учрашувларга тадбиркорлар, әшшар, жамоат фаяллары, умуман, айтадиган сөзі бор барча кишиларни ҳам күшмөқдамиз. Гаплашиб, бир-біримизни тинглайлік, әлнинг масалаларни бирга ҳал этайлик, деган фикр. Эркін фикр алмашиб, саволларнанғы жавоб беришга тайёрман, – деган ҳоким сайрамликтарнинг әзгу ишларини юкори баҳолади.

– Ахоли тигиз жойлашган Сайрамда ҳар ким үз иши билан шуғулланып мұлоқот берді. Бекорчи одам йўқ. Үзининг ҳөвлисіса, құрасыда, боғида ишляпти. Бирлигини сақлаб, тартибсизликтерді иштирек этади. Чунки, иши бор. Иккінчидан, Сайрам туманида “Парасат” дебат клубы фаолият юритади. Клубнинг күчма йигишилшар ҳар қишлоқда ўтиб, долзарб масалалар мұхокама қилинади. Бирози шулағзада ҳал бўлади. Энг муҳими, ҳокимиятта ҳалқ орасынан мұлоқот майдони мавжуд. Сайрам туманининг тажрибаси – барча туман, шаҳарларда құллашымиз жоиз. Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳам ибратли ишлар мўл. Юқорида тақидлаганимдек, бизда ҳалқ ва ҳокимият орасыда боғланиш яхши. Бироқ яна-да кўпроқ ишларимиз даркор. Ҳар ҳоким ўзи бошқарадиган ҳудуднинг мұаммосини, ҳол-аҳволини яхши биладиган бўлса, вазифасини яхши бажарса, ахоли билан очик мұлоқот қила олади. Мамлакат раҳбари Қасим-Жұмарт Тұқаев Ҳукуматга, ҳокимларга әл фаровонлигини оширишга йўналтирилган топшириқлар берди. Қимматчиликни тұхтатиши, нарх-навони барқарорлаштириши, ишсизлик билан курашиш, жамият билан алоқан мустаҳкамлаш, шунингдек, бошқа соҳаларда ҳам яхши ўзғаришлар бўлади ҳамда шу йўналишда ишни янада кучтарирамиз. Сизларнинг тақлиф ва фикрларнан гиб инбатга олинади, – деди Ў. Шүкеев.

Учрашувда фахрийлар, әшшар, маҳаллий фуқаролар жамиятдаги турли масалалар бўйича тақлифларини билдиришди. Вилоят Фахрийлар кенгашининг раиси Женисбек Мауленқұлов ва

мият ва ҳалқ орасынан мұлоқот майдони мавжуд. Сайрам туманининг тажрибаси – барча туман, шаҳарларда құллашымиз жоиз. Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳам ибратли ишлар мўл. Юқорида тақидлаганимдек, бизда ҳалқ ва ҳокимият орасыда боғланиш яхши. Бироқ яна-да кўпроқ ишларимиз даркор. Ҳар ҳоким ўзи бошқарадиган ҳудуднинг мұаммосини, ҳол-аҳволини яхши биладиган бўлса, вазифасини яхши бажарса, ахоли билан очик мұлоқот қила олади. Мамлакат раҳбари Қасим-Жұмарт Тұқаев Ҳукуматга, ҳокимларга әл фаровонлигини оширишга йўналтирилган топшириқлар берди. Қимматчиликни тұхтатиши, нарх-навони барқарорлаштириши, ишсизлик билан курашиш, жамият билан алоқан мустаҳкамлаш, шунингдек, бошқа соҳаларда ҳам яхши ўзғаришлар бўлади ҳамда шу йўналишда ишни янада кучтарирамиз. Сизларнинг тақлиф ва фикрларнан гиб инбатга олинади, – деди Ў. Шүкеев.

Вилоят ҳокими сафари өткізу үшін тажрибаси – барча туман, шаҳарларда құллашымиз жоиз. Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳам ибратли ишлар мўл. Юқорида тақидлаганимдек, бизда ҳалқ ва ҳокимият орасыда боғланиш яхши. Бироқ яна-да кўпроқ ишларимиз даркор. Ҳар ҳоким ўзи бошқарадиган ҳудуднинг мұаммосини, ҳол-аҳволини яхши биладиган бўлса, вазифасини яхши бажарса, ахоли билан очик мұлоқот қила олади. Мамлакат раҳбари Қасим-Жұмарт Тұқаев Ҳукуматга, ҳокимларга әл фаровонлигини оширишга йўналтирилган топшириқлар берди. Қимматчиликни тұхтатиши, нарх-навони барқарорлаштириши, ишсизлик билан курашиш, жамият билан алоқан мустаҳкамлаш, шунингдек, бошқа соҳаларда ҳам яхши ўзғаришлар бўлади ҳамда шу йўналишда ишни янада кучтарирамиз. Сизларнинг тақлиф ва фикрларнан гиб инбатга олинади, – деди Ў. Шүкеев.

Вилоят ҳокими сафари өткізу үшін тажрибаси – барча туман, шаҳарларда құллашымиз жоиз. Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳам ибратли ишлар мўл. Юқорида тақидлаганимдек, бизда ҳалқ ва ҳокимият орасыда боғланиш яхши. Бироқ яна-да кўпроқ ишларимиз даркор. Ҳар ҳоким ўзи бошқарадиган ҳудуднинг мұаммосини, ҳол-аҳволини яхши биладиган бўлса, вазифасини яхши бажарса, ахоли билан очик мұлоқот қила олади. Мамлакат раҳбари Қасим-Жұмарт Тұқаев Ҳукуматга, ҳокимларга әл фаровонлигини оширишга йўналтирилган топшириқлар берди. Қимматчиликни тұхтатиши, нарх-навони барқарорлаштириши, ишсизлик билан курашиш, жамият билан алоқан мустаҳкамлаш, шунингдек, бошқа соҳаларда ҳам яхши ўзғаришлар бўлади ҳамда шу йўналишда ишни янада кучтарирамиз. Сизларнинг тақлиф ва фикрларнан гиб инбатга олинади, – деди Ў. Шүкеев.

Сафар өткізу үшін тажрибаси – барча туман, шаҳарларда құллашымиз жоиз. Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳам ибратли ишлар мўл. Юқорида тақидлаганимдек, бизда ҳалқ ва ҳокимият орасыда боғланиш яхши. Бироқ яна-да кўпроқ ишларимиз даркор. Ҳар ҳоким ўзи бошқарадиган ҳудуднинг мұаммосини, ҳол-аҳволини яхши биладиган бўлса, вазифасини яхши бажарса, ахоли билан очик мұлоқот қила олади. Мамлакат раҳбари Қасим-Жұмарт Тұқаев Ҳукуматга, ҳокимларга әл фаровонлигини оширишга йўналтирилган топшириқлар берди. Қимматчиликни тұхтатиши, нарх-навони барқарорлаштириши, ишсизлик билан курашиш, жамият билан алоқан мустаҳкамлаш, шунингдек, бошқа соҳаларда ҳам яхши ўзғаришлар бўлади ҳамда шу йўналишда ишни янада кучтарирамиз. Сизларнинг тақлиф ва фикрларнан гиб инбатга олинади, – деди Ў. Шүкеев.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**



## САРИОГОЧДА ОЗИҚ-ОВҚАТ НАРХЛАРИ БАРҚАРОР



Түркістан шаҳридагы “Тұран” истироҳат бөгі ва Қызылурда автомобиль йўли бўйига гидрантли сугориш тармоги тортилиб, истироҳат бөгі билан Тұлебий кўчаси ва “Әлқожа ата” мақбасаси ҳудуди ободонлаштирилади. Бундан ташқари, Саврон ахоли манзилида Майкотов кўчаси бўйига тизимли истироҳат бөгі куриш режаланмоқда. Ободонлаштириладиган кўчаларда болалар ўйин майдончалари ва ҳордиқ чиқарадиган ўрнлар сони кўпаяди, шаҳарга кўрк бағишлиш учун турли ҳайкаллар ўрнатилади.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

Сариоғоч туманида Қозогистон Республикасы Президенти Қ. Тұқаевнинг ижтимоий ахамиятта эга озиқ-овқат маҳсулотлари баҳосини асоссиз оширипаслик юзасидан берган топшириғига мувофиқ қатор тадбирлар юритилмоқда.

Туман ҳокими М. Ўтаршиевнинг топшириғига мувофиқ туман қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорлик бўлнимининг раҳбари А. Амирханов маҳаллий йирик савдо ўринларидаги озиқ-овқат баҳоларига мониторинг юритди.

Тадбиркорларга Давлат раҳбарининг озиқ-овқат баҳосининг асоссиз ўсишининг олдини олиш юзасидан берган топшириқлари тушунтирилди. Туман миқёсида суюлтирилган газнинг бугунги кундаги баҳоси назоратга олинниб, ёнилғи бекатлари ходимлари билан учрашув ўтказилди. Мониторинг ишлари натижасига кўра туманда озиқ-овқат нархи барқарор, суюқ газ 60-65 тенгедан сотилмоқда.

**Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.**

## 140 ЧАҚИРИМ КАНАЛ ТАЪМИРЛАНДИ

Сариоғоч туманида дәхқонларга қулайликлар яратиш тадбирлари давом этмоқда. Суформали ерларни қайта айланимга қўшиш ва мелиоратив аҳволини яхшилаш максадида 2021 йилда вилоят ва туман бюджетидан маблағ ажратилиб, 139,9 чақирим канал таъмирланди.

Вилоят бюджети ҳисобидан узунлиги 5,4 чақиримни ташкил қиладиган “Сурим” ва узунлиги 18,8 чақиримли “Хўжахан” каналини таъмирлаш (бетон қоплаш) ишлари тутагтилиб, фойдаланишга топширилди. Туман бюджети ҳисобидан умумий узунлиги 115,7 чақиримни ташкил қиладиган 5та канал таъмирланди, 7та оқава сувни чиқарib юборадиган тармоқ механик усулда тозаланди.

Таъмирлаш ишлари натижасида 260 гектар экин майдони қайта айланимга қўшилди. 3895 гектар ерга сув етказиб бериш имконияти юзага келиб, 2426 гектар экин майдонининг мелиоратив ҳолати яхшиланди, йилига 6,8 млн. метр куб. сув тежалади.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**



## КЎЧАЛАР ОБОДОНЛАШТИРИЛАДИ

## ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ – АМАЛДА

МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРГА  
ИМТИЁЗЛИ НАСИЯЛАР

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга 150 миллиард тенге имтиёзли насия ажратилиди. Бу ҳақда Ҳукумат йигилишида ҚР Қишлоқ хўжалиги вазири Ербўл Қарашибеков маълум қилди.

– Озиқ-овқат таъминоти масаласини тизимили ҳал этиш мақсадида 2022-2025 йилларда озиқ-овқат таъминоти соҳасини ривожлантириш доирасида «Йўл ҳаритаси» ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. «Йўл ҳаритаси» озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва об-ҳаво омилларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига салбий таъсирини нивелирлаштириш мақсадида қишлоқ хўжалигини ранг-баранглаштиришни назарда тутади, – деди вазир.

Шунингдек, у вазирлик томонидан жорий йил баҳорги дала ишларини муддатида ва сифатли ўтказиш борасида зарур чоралар кўрилаётганини маълум қилди. Вазирлик хузурида худудларда баҳорги экиш ишларини мувоғиклаштириш юзасидан тезкор штаб тузилиди. «Агросаноат мажмуасини кўллаб-кувватлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига «Кен Дала» дастури доирасида 70 миллиард тенге, «Озиқ-овқат шартномаси корпорацияси»нинг форвард харидлари орқали 80 миллиард тенге миқдорида имтиёзли насиялар ажратилади, – деди Е. Қарашибеков.

Казинформ.



Жетисай туманида 21 гектар ерда иссиқхона қурилган. 15 гектари маҳаллий бозорга сабзавот етиштираса, қолган 6 гектарида дехқонларга тайёр кўчат етиштирилади. Шундай иссиқхоналардан бири – Асиқата кентида жойлашган томчилатиб сугориш усулида фаолият юритадиган “ХХ Досжан” дехқон хўжалиги.

Бугунги кунга қадар 2 гектар майдонга жойлашган иссиқхонадан иккинчи ҳосил – 15 тонна бодринг, 90 тонна помидор етиштирилган. Ҳосилнинг барчаси маҳаллий савдо ўринларида улгуржи баҳода сотилмоқда. Бултур туман бўйича 15



гектар иссиқхонадан 600 тонна ҳосил кўтарилиган.

– Шу кунгача жами 100 тоннадан зиёд сабзавот етиштирилди. Бу йил ҳам юксак натижага эришиш ниятидамиз. Лимон ўстириши ҳам йўлга кўйғанмиз. Келгуси йили ҳосил бериши кутилмоқда. Бугун помидор экишини тугаллаб, эртага бодринг кўчатларини ўтқазиши бошлаймиз. Март ойида тайёр ҳосилни ийғиб оламиз, – деди хўжалик зироатшуноси Бердияр Нишанов.

Ушбу дехқон хўжалигида 20га яқин маҳаллий фуқаро доимий иш билан банд. Жетисайлик дехқонлар нафақат минтақа, балки республика миқёсидаги бозорларга чиқиб, аҳолини сифатли сабзавот билан таъминлаш ниятида.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

## «HALYK BANK» БЎЛИМЛАРИ ИШИ ЖОНЛАНДИ



Бугунги кунда банкнинг Туркистон вилоятидаги 30та бўлимидан 24таси тўлақонли фаолият юритмоқда. Иш вақти – соат 10.00дан 17.00гача. Ишлаб турган бўлимларнинг тўлиқ рўйхати билан halykbank.kz сайтида, шунингдек, бўлимларнинг манзили бўйича маълумотни банкнинг кечаю-кундуз ишлайдиган алоқа маркази, яъни 7111 рақамига қўнғироқ қилиш орқали билиш мумкин.

Молия шўъбасини тезда барқарорлаштириш мақсадида “Halyk Bank” банкининг Қозоғистон бўйича 428та бўлими тўлақонли фаолият юритмоқда. Бўлимлар ҳуқуқий ва хусусий шахсларга хизматларнинг барча турлари бўйича хизмат кўрсатади.

## КЕНТОВДА ТУГИЛИШ КЎРСАТКИЧИ ЎСГАН

Қозоғистон тугиши кўрсаткичи бўйича жаҳонда 15 ўринда. Республика бўйича Туркистон вилоятида демографик ўсиш юқори. Кентов шаҳар бандлик ва ижтимоий дастурлар бўлнимининг маълумотига кўра, 2020 йили 3479 нафар бола дунёга келиб, гувоҳнома олган. 2021 йилда 3726 нафар бола дунёга келган. Мустақиллик куни 11 бола, Янги йилда 6 нафар бола туғилган.

2020 йилнинг якунига кўра, Кентовда 863 нафар оила барпо этилса, 117та оила ажрашган. 2021 йили 802 оила никоҳдан ўтса, уларнинг 86 нафари ажрашганлиги қайд этилган.

Кентовда кўп болали ва ижтимоий кам таъминланган оиласларга давлат ёрдам пуллари ҳам ўз вақтида бериляпти. Она ва боланинг соғлигини муҳофаза қилиш ҳам кун тартибидаги муҳим масалалардан.

Туркистон вилояти ҳокимининг матбуот хизмати.

## САРМОЯ ҲАЖМИ ОРТДИ

Келес туманида саноат ишлаб чиқарувчиларнинг асосий капиталига жалб этилган сармоялар ҳажми 4999,7 млн. тенгени ташкил этади. 2021 йили қайта ишлаш саноатнинг асосий капиталига жалб этилган сармоялар ҳажмини 400 млн. тенгега ётказиш режаланиб, 2020 йилга нисбатан режа ортиғи билан бажарилган. Асосий капиталга йўналтирилган сармоя ҳажми 21 йилга қиёсан 10 064,3 млн. тенгени ташкил этди. Аниқ ҳажм индекси келгуси йилнинг тегишли даврига қараганда 126,5 фоиз бажарилган.

Туманга жами 7,7 млрд. тенге сармоя жалб этилиб, ўтган йилгига нисбатан 1,7 млрд. тенгега ўсган. Хусусан республика бюджети ҳисобидан 0,7 млн. тенге, маҳаллий бюджет ҳисобидан 1,6 млрд. тенге, шахсий маблағ эвазига 2,5 млрд тенге ва бошқа қарз ҳаражати ҳисобидан 0,1 млрд. тенгени ташкил этади.

Жалб этилган сармоя туманини ижтимоий-иқтисодий тараққий ёттириб, аҳолини иш билан таъминлаш имконини берди. Доимий ва мавсумий иш ўринларида 1527 нафар фуқаро, хусусан ижтимоий иш ўринларида 216, ёшлар тажрибасига 331 одам ҳақ тўланадиган жамоат ишларига 660 фуқаро ва дастлабки иш ўринларида 15 шахс жалб этилган.

Туркистон вилояти ҳокимининг матбуот хизмати.



## ЁШЛАР БЛОК-БЕКАТЛАРДАГИ ФУҚАРОЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТДИ



Мамлакатдаги Фавқулодда ва зият туфайли Nur Otan партияси Туркистон вилоят филиалининг кўллаб-кувватлаши орқасида ёшотанчилар ҳарбий хизматчи-ларга пандемия пайтида қўлланиладиган дори-дармонлар қутичалирини улашди.

Тадбир “Шимкент – Туркистон” автомобиль йўлидаги блок-бекатлarda шаҳар хавфсизлигини, тинчлигини ва барқарорлигини кузатувчи фуқароларнинг иммунитетини шакллантириш мақсадида уюштирилди. Шу билан бирга, коронавирус иллатининг тарқалиши ва қатор минтақа-

ларнинг қизил ҳудудга кириши ҳам сабаб бўлди. Тибиёт соҳаси мутахассисларининг маҳсус протоколи билан йигилган дори-дармон қутичалиси блок бекатлардаги ҳарбийлар ва мутахассисларга ётказилди.

Jas Otan ЁҚ Туркистон вилоят филиалининг раиси Жансерик Жуман шундай деди:

– Махсус тайёрланган қутичада вирусга қарши дори-дармонлардан ташқари дармондорилар ва кўшимча фойдаланишга зарур гигиена воситалари бор. Оғир вазиятлардан кўрмай ўтиш учун, аввало, соғлини авайлаш зарур. Шу сабабли Президентимизнинг “Кучимиз – бирлиқда” ҳикматли сўзига риоя қилиб, ҳарбийларга кўмак беришни жўн кўрдик. Эзгу ишда ташаббус кўрсатган партия аъзолари ва фоалларга миннатдорчилик билдираман, – деди у.

Айтиш жоизки, ёш отанчилар бунга қадар ҳам блок-бекатлардаги ҳарбийларга иссиқ овқат ётказиб, уларни кўллаб-кувватлаган.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



Алматидаги бузғунчиликлардан ётказилган зарар 112,6 миллиард тенгега баҳоланмоқда.

## Туркистан вилоят Қозоғистон халқы Ассамблеясининг мурожаати

**Қадрли ватандошлар! Ҳурматли ҳамюртлар!**

Мамлакатимизда юз берган воқеалар Туркистан вилоятидаги Қозоғистон халқы Ассамблеяси аъзоларини ҳам ташвишга солди.

Мураккаб даврда ақл-идрок, ўткир зеҳн билан иш тутмоқ зарур. Асосийси, юрт тинчлиги, ҳамжиҳатлиги сув ва ҳаводек зарур.

Президент Мурожаатида вазиятни барқарорлаштириш учун аниқ вазифалар, чоралар кўргани ва аҳвол барқарорлаштаётганини маълум қилди. Мамлакатимизнинг тараққиёти йўлида келажакда амалга ошириладиган тадбирлар ва ислоҳотлар ҳақида маълум қилди. Ушбу ўзгаришлар ҳамюртларимизнинг ижтимоий шароитини яхши томонга ўзгартириши аниқ. Шу сабабли, Президент қарорларини кўллаб-куватлаб, эзгу ишлар амалга ошишига хайриҳо бўлишимиз зарур.

### Қадрли жамоат!

Мустақил Қозоғистон – дунёга аҳиллиги ярашган кўп миллатли ва кўп конфесияли жамият сифатида машҳур. Мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш – ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Халқимизда: “Баҳт, қайга борасан? Тотувлиги ярашган элга бораман!”, деган нақл бор. Тотувлик кетган жойдан бойлик ҳам, бирлик ҳам, барака ҳам кетади.

Ватани бирнинг, тилаги бир, юраги бир. Юрт тинчлиги, муваффо осмонимиздан зиёд баҳт йўқ. Мустақиллигимиз янада мустаҳкам бўлишига барчангизни ҳисса қўшишга чорлаймиз!

**Биз ҳамиша Президент билан биргамиз!**

## Туркистан вилояти Ноҳукумат ташкилотлари вакилларининг мурожаати

**Қадрли ҳамюртлар! Ҳурматли дўстлар!**

Қозоғистоннинг тақдири бизнинг ҳамжиҳатлиқда ҳаракат қилишимизга бевосита боғлиқ. Тинчлигимизга раҳна солиб, Мустақиллигимизни йўналишидан бузгиси келганларнинг бузғунчилик ҳаракатларини амалга оширишга йўл берилмади.

Давлат раҳбари, Хавфсизлик кенгашининг раиси Қасим-Жўмат Тўқаев зарур чораларни кўрди. Бу ҳаракатлар самара бермоқда, Президентга барча жиҳатдан кўллов кўрсатишимиш жоиз.

Бу – юртни боши берк кўчадан олиб чиқишнинг ягона йўли.

Юз берган ҳолатлар бизга тинчлик, эркинликнинг қадрини англатди. Бизнинг олдимизда маҳсус белгиланган талаблар асосидагина ҳаракат қилиб, Президентнинг барча ташаббусини кўллаб-куватлашимиз жоиз. Давлат раҳбари барча фаолиятини ошкора амалга ошираётгани, Ватанимиздаги барқарорликни сақлаб қолиш мақсадида қилинаётганини аниқ кўрсатмоқда.

Бизнинг бирлигимиз, бирдамлигимиз фақат баҳти кунларда эмас, оғир дамларда ҳам ўз кучини кўрсатиши жоиз. Қадриятларимизни юрт барқарорликни оёқ ости қилмоқчи бўлганларнинг эмас, ўзимизнинг, келажагимизнинг умумий манфаати йўлида фойдаланишимиз керак.

Туркистан вилоятидаги Ноҳукумат ташкилотлари ҳам Мамлакат раҳбари билан бирга эканлигини маълум қилади.

Мустақилликнинг барқарор бўлиши учун биргалиқда ҳаракат қиласиз!

**Туркистан вилоят Ноҳукумат ташкилотлари вакиллари.**

## ПРЕЗИДЕНТ ТОПШИРИГИ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАРГА ЕТАКЛАЙДИ

Халқимиз кўп қийинчиликларни бошидан ўтказгани тарихдан маълум. Яқинда юз берган фожеали воқеалар юртимиз учун улкан синов бўлди. Бундан хулоса чиқариб, янада руҳан ва маънан кучли бўлишимиз керак. ҚР Президенти Қ. Тўқаев Парламент Мажлиси йигилишида қатор аниқ топшириклар берди. Агар барчаси тизимли тарзда амалга ошса, қатор ижобий ўзгаришлар рўй бериши аниқ. Бу борада ўтган брифингда жамиятшунос Нурбўл Байбақов маълум қилди.

– Давлат раҳбарининг топшириклари босқичмабосқич, тизимли амалга оширилиши Янги Қозоғистон қиёғасини белгилайди. Шунингдек, юрт бирлигини кучайтириб, жамият жипслигини ривожлантиришига ишончимиз комил. Оммавий тартибсизлик чогида ҳалок бўлган ҳамюртларимиз кўп. Албатта, тош тушган жойига оғир. Йўқотишинг ўрнини тўлдириб бўлмайди. Шунга қарамасдан Ҳукуматимиз яқинларини йўқотган оиласларга кўллов кўрсатмоқда, – деди Х. А. Яссавий номидаги ҲҚТУ катта ўқитувчиси Нурбўл Абдураимули.

Шунингдек, брифингда иштирок этган иқтисодчи-таҳлилчи Ержан Мирзатай Президентнинг миллат тақдири-



га доир сиёсий мухим қарорини кўллаб-куватлашини маълум қилди. Унинг гапларига кўра, фуқаролар фаронлигини юксалтириш мақсадида барқарор иқтисодиётни шакллантириш манбаларини кўпайтириш керак.

**Туркистан вилоятининг минтақавий алоқалар хизмати.**

## ҚОЗОҒИСТОН ЖАМИЯТИНИНГ ЯНГИ УСТУВОРЛАРИ

ҚР Парламенти Мажлисining пленар мажлисида Алихан Смаилов янги Ҳукуматга раҳбар этиб тайинланди. Унинг номзодини бир овоздан барча депутатлар кўллаб-куватлашди. Президент Қасим-Жўмат Тўқаев куни кеча мамлакатимизда юз берган сиёсий воқеаларга атрофлича баҳо берди ва изчилик билан таҳлил қилди.

Халқнинг талаби тингланди ва янги ҳукумат ташкилэтилганини Давлат раҳбари алоҳида қайд этди. Таҳлилчи-сиёсатшуносларнинг айтишича, Президентимиз кучли инсон. Унинг қатъиятлилиги қийин кунларда ҳарбий кучларни ҳаракатга келтириди. Ҳалқ осоишлигини сақлашга, мамлакат яхлитлигига раҳна солаётган кучларга қарши КХШТнинг тинчликпарвар кучлари жалб этилди.

Қ. Тўқаев майрӯзасида миллий хавфсизликнинг бутун тизимини, ташки разведканинг мамлакат мустақиллигини тўла таъ-

минлаш мақсадида бутунлай қайта ташкил этиш зарурлиги ҳақида гапирди. Кўпорувчиларнинг ортида кимлар турганини аниқлаш мухим. Нима учун уларни аниқлаш юзасидан таҳлилий ишлар амалга оширилмаган? Шу боис ҳам биз чегараларимизни мустаҳкамлашимиз, ички муҳожирликни тартибига солишимиз, миллий гвардия сони ва сифатини, полициячиларнинг ҳуқуқий муҳофазаланиш даражасини юксалтиришимиз жоиз.

Давлат раҳбарининг айтишича, жамиятимизда ижтимоий тенгсизлик муаммолари ҳам юзага келган, “Қозоғистон ҳалқи учун” ижтимоий жамоат жамғармаси ташкил этилиб, унга ҳалқаро ҳайрия жамғармаларининг ёрдами ҳам жалб этилади. Мазкур жамғармага потерея фаолияти операторининг, устамалар ҳисоби маркази ва бошқа монополиячиларнинг мажбурий тўловлари ҳам йўналтирилади.

Давлат раҳбари Бош

вазирiga уч ҳафта мобайнида 2022 йилга Ҳукуматнинг Ҳаракат дастурини ишлаб чиқиши топшириди. Давлат раҳбарининг айтишича, тизимли индустрлаштириш, вилоятлардаги хизмат кўрсатиши тармогини ривожлантириш миллий устуворликка айланади. Муаллимлар учун махсус дастур ишлаб чиқиши топширилди.

– Умуман давлат ва жамият ўртасидаги муносабатлар тубдан ўзгариши жоиз. Жамоат шартномасининг янги тартиби зарур. Қозоғистон сиёсий замонавийлашув йўналишини давом этиради. Бу менинг тамойилли нўқтаи назарим, – деди Қ. Тўқаев Парламент Мажлисидаги маърузасида. Энди бундан буён аҳолиси зич жойлашган минтақалар ёшлари учун мақсадли грантлар ажратилади.

Сўзимнинг поёнида эса ватанимиз тақдиридаги оғир ва масъулияти дамларда Давлатимиз раҳбарининг қозоғистонликлар ҳаётини фаронлаштириш, вайона ҳолга келтирилган шаҳарларимизни тиклаш, Янги Қозоғистоннинг янги имижини юксалтириш борасидаги вазифаларини амалга ошириш борасида куч-ғайратимизни сарфлайлик ва бу йўлда ҳамжиҳат бўлайлик.



**Соҳибжамол  
Қўрғонова,  
М. Ауэзов номидаги  
ЖҚУ доценти,  
фалсафа  
фанлари номзоди.**

## СПОРТ ИНШООТЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Ўтган йили Тулкибош туманида оммавий спортни ривожлантириш мақсадида маҳаллий тадбиркорлар томонидан 5ta спорт иншооти очилиб, эл эззуглигига топширилди. Шунингдек, учтаси тадбиркорлик иншооти сифатида очилса, иккитаси ҳомийлар томонидан қишлоқ аҳолисига тухфа қилинди.

Таъкидлаб айтсан, Т. Рисқулов қишлоғидан “Байқадам” футбол манежи, “Нур Фари” фитнес клуби билан кураш зали, Балиқти қишлоғидаги “Форсे фит” фитнес клуби тадбиркорлик иншооти сифатида очилиб, фуқароларнинг севимли масканларига айланмоқда.

Қўжамберди ва Шақпақ-бобо қишлоқларида сунъий кичик футбол майдони очилиб, қишлоқ аҳолисига совға қилинди. Шунингдек,



М. Жаримбетов қишлоғида хусусий тадбиркор ҳисобидан футбол манежи, сузиш бассейни ва машғулот залининг қурилиши олиб борилмоқда. Соҳадаги эзгу ишлар туфайли

ҳозирги кунда туманда спорт билан муқим шуғулланувчилар сони 34,7 фоизга етди.

**Вилоят ҳокимининг  
матбуот хизмати.**

# ТҮҒОН БОБОМ ҲАҚИДА ёхуд устозларнинг устози

Түғон Султон ўғли – Эски Иқон қишлоғида 1906 йили 2 январда оддий деҳқон оиласида дунёга келган. У бир ёшдалигига отаси Султон бобо вафот этиб, етим қолади. У Шоҳсанам аянинг тарбиясида вояга етади.

Түғон 1926 йили Самарқанд шаҳридаги ўқитувчилар тайёрлаш курсида ўқиди. 1927 йили Тошкент педагогика техникумiga ўқишга кириб, уни 1930 йили тамомлайди. Москвадаги транспорт-иқтисодиёт институтида ўқишни давом эттиради. 1934 йили Тошкентга келиб, ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади.

1942 йилдан “Иқон” мактабида устозлик қолади. Шу пайтларда партия ташкилотининг раҳбари бўлган. Уруш давридаги мавжуд қонунларга асосан, ҳарбийга олинмаган. Ўша йилларда Шимкент шаҳридаги ҳарбий комиссариат топшириги билан 3-4 гурӯҳ қизларни телеграфистликка ўқитади. Янги Иқон қишлоғида мактаб директори вазифасида фаолият юритади.

У Ҳалқ маорифи аълочиси, кўпгина “Фахрий ёрлиқ”, медаллар билан тақдирланган. 1966 йили нафақага чиқади.

... ўтган замонларда қишлоғимиз одамлари кечапари танча атрофида, шам ёргуғида китоб мутолаа қилишар, ўланлар айтиб, кўхна дунё қўшиклари, достон, афсоналардан эслашар экан. Биз ҳам оз бўлса-да, бунинг гувоҳи бўлганимиз. Тўғон бобомиз физик-математик бўлса-да, адабиётдан ҳам саводли эканини одамлардан ўшитганман. Бобомни супада ўтириб, эртак-достон, лапар, кўшиқ айтиётган ҳолатида эслайман. Кейинчалик оила даврасида дадам билан ойим бобомнинг эртак, достон, ўлан, қўшикларини бизга кўп айтиб беришган... Улар “Бобонг шундай дерди...” деб гап бошлишганида сергакланардим. Бу мерос биз узун жавоҳирот сандиги эди. Навоий, Қошғарий, Машраб, Дехлавий, Бобур, Фузулий, Бердақ шеъриятларини кунт билан мутолаа қилар эканлар. “Ҳамса”, “Алномиш”, “Қиз Жибек”, “Гўрўғли”, “Шоҳсанам ва Фарид”, “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” каби достонларни тўхтовсиз айтарди. Ўтирик овоз соҳиби бўлган бобоминг чиройли ижросини элас-элас эслайман:

**Саҳар туриб сувга чиқсан, оҳ урадир бир нигор,  
Кўзам қўйиб, қулоқ тутсам – ёрдан айрилган нигор.  
Ёрдан айрилган ёмон, дўстдан айрилган ёмон.  
Ўлим – худонинг васлидир, тирик айрилган ёмон...**

Бобомнинг ҳовлисими жуда аниқ эслайман. Эсимизни таниганимизда кун тушадиган жойи қолмаган дарахтзор эди. Ҳар хил навли олма, гилос, жийда, нок дарахтлари ўсар, уй олди эса узум ишкомлари билан тўла эди. Ишкомлар ортида томорқа бўлиб, орасидан молхона тарафга ўтилар, гараж ва ҳовлиниң қоқ ўтасида йўлаклар мавжуд эди. Ҳовлиниң ўнг тарафида Ибодат холамизинг (кatta онамиз Каромат аянинг синглиси) ҳовлисига ўтиладиган очиқ жой бўларди. Чап томонида Отахон бобомизниң ҳовлиси бўлиб, ўртадаги сим панжара икки ҳовлини ажратиб турар, панжара ва уйнинг девори ўтасидаги тор йўлак эса уйнинг орқасидаги оғилхонага олиб ўтарди. Дарвоза ёнида икки табақали кичик эшик бўлиб, унинг олдида кўк “Жигули” енгил машинаси турарди.

Ишкомларида турли қушларнинг чуғурлаши, қатор осилган тўр қафасларда беданаларнинг сайроқи овози тинмасди. Ток тагидаги супада ўйнаб, қушларни кузатиб ётиб, уларни санаш, чуғурлаган овозларини ажратишга ҳаракат қилардим. Болалик наздимда “Ҳамма ҳовлилар бир хил бўлади – ҳамманинг ҳовлисида боф-роб, беданалари бўлади”, деган тушунча бўлган. Улгайгач, дадамдан беданани ҳамма тута олмаслигини, уни чорлаш, тутиш, бокиш усуллари бўлишини илгадим. Қанчалар шовқин бўлса, бола овози, радио, кўшиқ овози баланд бўлса, беданалар ҳам шунга жўр бўлиб сайдайверади, – дерди дадам. Бобом ана шундай бедана, каклик тутиш, улар билан “сұхбат” куриш, мулоқот қилишнинг устаси бўлган, тилини билган. Қизиқиши ба-ланд эканки, Тошкентда яшаганида танбур чертиб, булбул чорлай оладиган мавқега эга бир ҳофизнинг мадхини ўшитиб, манзилини топиб борибди. Ҳофиз, “мен танбур чертган пайтда индамайсизлар, сўз-



ламайсизлар, томок қирмайсизлар”, дебди ва қўлига фижжак олиб чала бошлабди. Қаердандин күшининг гўзал хониши ўшитиби, фижжакка жўр бўла бошлабди. Кейин ҳофиз фижжакни кўйиб, танбурни олиб черта бошлабди. Бирордан кейин булбул аста яқинлашиб, қимирлаб турган танбур дастагига кўниб-кўнолмай, куй тугагунча, қанотларини пирпиратиб, сайраб турганлигини кўрдик, деган экан бобом.

1930 йилларда ҳалқ бошига оғир кунлар тушган. Кунларнинг биринча бобомнинг қўлига маоши тегибди, аммо у рўзгорга ҳеч вақо ҳарид қилмасдан, милтиқ сотиб олибди. Бундан жигибийрон бўлган Каромат ая

маҳалланинг каттаси Шамши отани уйга чақириб, бобомиздан шикоят қилибди: “Эл-юрт ей деса нон топмайди, шу замонда ҳам милтиқ сотиб оладими, болаларнинг насибасичи?..” Шамши ота Тўғон бобомизга танбех бермоқчи бўлиб даладан қайтишини кутибди. Бир пайт бобомиз даладан келиб, от устидаги қанор қопни туширибди. Ҳовли ўртасига даладан овлаб келган каклик, қуён, қирғовулини тўкибди. Буни кўрган Шамши ота: “Э, Каромат, болаларнинг насибаси бу ёқда эканку, мен нима ҳам деб танбех берай? Нима қилганда ҳам ўқиган, кўрган, билган болаку бу”, – деб индамасдан чиқиб кетган экан.

Тўғон бобомизни қишлоғимизда устозларнинг устози деб гапиришлари бёжиз эмас. Турли давраларда устозларимиз бизни “Устозимнинг зурриёди” деб хурмат қиладилар.

Уни замондошлари ўта ўтирик овоз соҳиби сифатида билишган. Дарс пайтида қўшни хонадаги устозлар “Овозингиздан дарс ўтолмаймиз, бизга ҳам навбат беринг”, деб шикоят қилишарканлар. Бобомнинг танбур чалиш, ликопча билан қўшиқ куйлаш санъати бўлган. Қенг давраларда, кўпчилик орасида, дўст-ёрлар йигинида, албатта, унга қўшиқ куйлаш навбати бериларкан.

“1927-1930 йилларда мамлакатда “ликбез” – (са-водисизликни тугатиш) сиёсати юритилганда катта ўшдаги эркак ва аёлларни бир уйга тўплаб, алифбе ўқитганлар. Болалар мактаби Шароф бойнинг меҳмонхонасида, сўнгра Фозимат бойнинг уйида жойлашган. Қизлар мактаби Тиловли Нишоновнинг уйида бўлган. Янги мактабнинг эски мактаблардан фарқи доска, парта, стол, стуллар билан таъминланганида эди. Шунингдек, у дунёвий фанларнинг ўқитилиши билан фарқ қилар эди. Ўқитувчилар сони жуда кам бўлган. Шоир Миртемир Турсунов ва Тўғон Султонов болалар мактабининг биринчи ўқитувчиларидан бўлган.

Тўғон бобомизниң шогирдлари айни кунда нафақага чиқишган. Уларнинг ҳар бири азиз, зоро, қишлоғимиз равнақига ҳисса қўшиб, узоқ йиллар меҳнат қилишган. Қўшни Ўзбекистон Республикасида ҳам бобомнинг зиё таратган шогирдлари кўп. “Бир куни ўйимизга бир неча киши етаклаб-суюб бир мункиллаган отахонни олиб келишди. Соқоли оппоқ, бошдан оёқ оқ кийинган бу қария бобом ёнида анча ўтириб, сухбатни тинглади ва қайта-қайта хайрлашиб, чиқиб кетаркан энди кўришиш насиб этадими-йўқми, деб кўзларига ёш олди”, деб эслашарди опаларим.

Асрлар бўйи мудраб ётган ажоддлар довонини асар тарзида қоғозга туширас эканман, бундан кейин ҳам Қаровулбобо авлодидан истеъододли инсонлар, зуқко санъатсеварлар, шоиртабиат, олижаноб қишилар, кучли идрок эгалари дунёга келишига ва тарих зарваракларида қолишига ишонаман.

Ўйлайманки, Қаровулбобо авлодидан авлодлар давомийлигини излаб камчиликларни тўлдирадиган, хато топса тузатадиган авлодлар ҳали кўплаб етишиб чиқади. Бобом Тўғон Султонов 1990 йил 4 сентябрь куни ёруғ дунёдан кўз юмди.

Қўхна қишлоғимиз ўтмишини тарих зарваракларида қолдирган Миртемир Турсунов, авлодлар томирини билим жавоҳироти билан суюрган Тўғон Султонов каби устозлар қўлида тарбия ва билим олган ҳиммати чексиз шогирдлари улкан дараҳт соялари каби ҳалқни эзгуликка, хайрли ишларга ундашмоқда.

**Иродада МУҲАММАДЖОНОВА,  
Эски Иқон қишлоғи.  
Саврон тумани.**

Қорабулоқ қишлоғининг шуҳратини кўклинига кўтарган Улуғбек номли мактабнинг фахри, чинакам спорт устаси сифатида элга танилаётган Жавоҳир Абдумажидов Улуғбек номли 81-сонли ўрта мактабнинг 10-“В” синф ўқувчиси.



## ҚИШЛОҒИМИЗ ЧЕМПИОНИ

Жавоҳир ёшлигиданоқ турли спорт тўғаракларида бўш вақтларини қувноқ ўтказар эди. Ўшандা невара-сининг интилишларини кўрган буваси Абдумажит ота хурсанд бўлиб Қорабулоқ қишлоғининг Коммунизм даҳасидаги кураш бўйича спорт клубига олиб боради.

У ерда кураш сирларини мустаҳкам эгаллаган юқори даражадаги кураш устаси, устоз-мураббий Шоназар Қаҳхоров қўлида шогирд

2019 йили Оролбўйида ўтган йирик турнирда иштирок этиб, 1-ўринни эгаллади.

Туркистон шаҳрида ўтган республика турнирида фахрли 1-ўринни забт этиди. Шундай қилиб, ёш полвон аста-секин беллашувларда жамоатчилик эътиборини қозонди. Шимкентда Қажимуқан номидаги спорт мажмуасида бўлиб ўтган ёш ўсмирлар орасидаги республика турнирида Д. Усупалиев жамоаси таркибида иштирок этиди. Турнирда 2-ўринга сазовор бўлди ҳамда Шимкент шаҳар терма жамоасига аъзо қилиб олинди. ҚР миллий олимпиада кўмитаси томонидан таъсис этилган республика 1-лигасида қатнашиб, ғолибликни қўлга киритди.

Қаҳрамонимиз Туркистон вилоят ўзбек этномаданият бирлашмасининг раиси, вилоят маслаҳати депутати Б. Нишонқулов томонидан “Жамоат фидойиси” кўкрак нишони ҳамда қимматбаҳо эсадалик совғалар билан тақдирланди. 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасида спорт усталигига номзод унвони берилиб берди.

Биз ишонамизки, паҳлавон ўғлонимиз бобока-лонлари каби ўз шон-шуҳратини, қолаверса, Қозогистонимизни бутун дунёга танитиб, давлат байроғини юқсалларда мағрур ҳилпиратди. Чунончи, бу баҳодир ўғлон буюк курашчила-римиз Қажимуқан, Шапрашти, Бауржан ва бошқалар сингари буюк спорт устаси бўлишини Оллоҳдан сўраб қоламиз.

**Ш. УСМОНОВА,  
С. МАҲАММЕДОВ,  
Улуғбек номли  
мактабнинг руҳшунос-  
муаллимлари.  
Сайрам тумани.**



сифатида спорт сирларини мукаммал ўрганди. Жавоҳирни 5-6 ёшидан қишининг сувуғи, қор-ёмғирлар ёғиб турган бўлсада, олиб бориб, машғулот тугагунча кутиб ўтиришлари сўнг яна олиб қайтишларини бувиси Жамила она Исмоилова гапириб берди.

Жавоҳир спорт сирларини эгалларкан, вужудида инсоний фазилатлар, руҳий дунёкараш юқсак даражада шаклланада бошлади. Мактабда, уйда ўкувчилар орасида ўзининг юриш-туриши, муомала-муносабатлари билан эътибор қозонди. Ўкувчилар уни одоби, хулқи учун хурмат қилади. У биринчилар қаторида мактаблараро кураш мусобабаларида иштирок этиб, 1-ўринга сазовор бўлиб, Қозогистонимизнинг байроғини юқсалларда мағрур ҳилпиратди. Ҳатто қўшни вилоятлар, республикаларда бўлиб ўтган очиқ турнирларда юқсак ўринларни эгаллади.



**Илмли одам ҳар қандай даврани мазмунли қила олади, атрофидагиларни ўзига ром қилиб, яхши таассурот қолдиради.**

**Навбатдаги сұхбатдошим ана шундай инсонлар сирасидан. Уни бемалол Мустақил Қозогистоннинг 30 йилликда орттирган муносиб меваси, деб танишириш мүмкін. У тиббиёт фанлари доктори, профессор, Жанубий Қозогистон тиббиёт академиясининг кафедра мудири, Россия ва МДХ гепатологлари, жаррохлари ҳамжамияти аъзоси, ҚР интервенцион радиологлар ҳамжамияти аъзоси... Унинг эришган яна күплас мұваффақиятлари рўйхатини давом этириш мүмкін. Келинг, яхшиси ўзи гапириб берсинг.**

– 1963 йил сайрамлиқ ўқитувчи Анвар Абдурахмонов ва кутубхоначи, тикувчи Саври Сидиқхоновалар хонадонида туғилдім. Ота-онам зиёлилар бұлғаны учун менда китобга мұхаббат әрта үйфонды. Собиқ Калинин номидаги мактабны тамомлад, Россия олий ўқув юртларидан бирига қабул қылдым. Лекин оиласа узоқда ўйшымни хоҳламади. Тошкент шаҳридаги ТошМИнинг даволаш факультетида таҳсил олишінде түрі келди. 1986 йилда уни имтиёзли тамомладым. Ўша пайтдаги талабға кўра, Ўзбекистонда 3 йил ишлашим көрек эди. Мен шу тариқа құшни давлатда 2000 йилгача қолиб кетдім...

**– Бобур Анвар ўғли, келинг, одатий саволлардан қочайлик. Сиз таниқли олимсиз, илм-фанга құшган ҳиссанғыз салмоқлы. Бир бошдан гапириб берсанғиз.**

– СССР Тиббиёт фанлари академияси – собиқ Иттифоқдаги олий тиббиёттік жаррохларниң Тошкентдағы филиали оқылғанда (Бутуниттифоқ хирургия илмий-тадқиқот марказынин Тошкент филиали) у ерда да таҳсил олдым (резидентуралық ординатура). Академик Б. В. Петровский номидаги РМЖМ – энг жирик жаррохлар, тадқиқот вәзірлердің ординациясынан (Москва) малақа оширдім 1993 йилда жигар параситлары жаррохлардың бүйінча номздылар диссертациясіні мұваффақияттады. Ёқлаб, фан номзды унвонига әга бўлдим.

**– Илмий ишингириңи қаерда ёқладингиз?**

– Москвадаги лазерь хирургияси институтыда ҳимоя қилмоқчы эдим, Иттифоқ тарқатиб юборилгани сабабли Тошкентда ҳимоя қилишимга түрі келди.

**– Қаерларда ишлагансиз?**

– Тошкентда машҳур туркистонлик жаррох, академик Восит Воҳидов номидаги Хирургия илмий марказыда меҳнат қилдім. Жаррохларнинг ривожи тор ихтисослашув доирасида амалга ошади. Ўзбекистондаги энг етакчи мұассасадаги амалиёт билан бир қаторда, ТошМИда Хирургия кафедрасы доценти сифатида бўлажағ шифокор-жаррохларга дарс бердим. Майлумки, Восит Воҳидов кўкрак қафаси хирургияси клиникасини яратиб, унда юрак жаррохлиги, қон-томир хирургиясининг ихтисослаштирилган бўлимларини, диагностика, лабораториясини ҳам ишга туширган әди. Бу ерда асосий жаррохлик муаммоларини ҳал қилиш йўлларини ўрганиш мүмкін әди. Илмий раҳбарим, атоқли академикнинг ўғли, тиббиёт фанлари доктори, профессор Одилбек Воҳидовнинг бевосита устозлигига жигар, ошқозон хирургияси йўналишида кўплаб самарали ишлар қилдик. Хуллас, 1988 йилдан 1999 йилгача жигар, ўт йўллари, ошқозон ости бези ва порталь гипертензия хирургияси кафедраси жаррохи бўлими мудири, Тошкент Давлат тиббиёт институти госпиталь жаррохлик ва Тошкент институтининг 1-сонли хирургия касалларлари кафедраларида ассистент лавозимларида ишладим.

**– Қозогистонга қачон келдингиз ва қаерда ишлай бошладингиз?**

– 1999 йилнинг сентябрь ойидан бугунги кунга қадар Жанубий Қозогистон тиббиёттік академиясида фаолият юритиб келмоқдаман. 2018 йилдан бошлаб, 2-жаррохлик кафедрасини башқармоқдаман. Шу билан бирга, амалда (Шимкент шаҳар клиник касалхонаси, ша-

# КАСБ ФИДОЙИСИ БЎЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

ҳар онкология диспансерида) беморларнинг клиник таҳлиларида фаол иштирок этаман, қорин ва кўкрак бўшлиғи органларидаги турли мураккаб операцияларни, интервенцион радиология ва онкологияда жаррохлик аралашувларни амалга ошириб келаман.

**– Докторлик диссертациянгиз қайси мавзуга бағишилди?**

– Майлумки, сўнгги ўн йилда дунёning барча мамлакатларида жигар хасталикларини даволашнинг янги усуслари ишлаб чиқиляётганига қарамай, жигар циррози кўпайиб бормоқда. Ушбу дарднинг энг даҳшатли асоратлари ва ўлим ҳолатига олиб келишининг асосий сабаблари – қизилўнгачнинг варикоз томирларидан ва ошқозон кардиясидан қон кетишидир.

Бироқ, бугунги кунга қадар Россия ва Қозогистонда асосан ташкилий ва иқтисодий хусусиятлар туфайли ушбу касалликни даволаш тегиши тараққиётта эга бўлмаган ва жаррохлик амали ҳам талабга жавоб бермайди. Биз илмий янгиликка эришиб, ушбу йўналишда кўп тадқиқотлар ўтказдик. Беморларни янгича даволашнинг бевосита ва узоқ муддатли натижаларини фанга тақдим этдик. Минимал инвазив интервенцион технологиялардан фойдаланган ҳолда, давонинг мураккаб босқичли шаклларини топдик. Яъни, жигар циррозини жаррохлик йўли билан даволашда қон томирлари орқали дори юбориш ва ўсимта ўсаётган органга махсус моддалар қўйишни йўлга кўйдик. Илмий раҳбарим Шамиль Ганцев машҳур олим, жаррох-онколог, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик, Саратоншунослик илмий-тадқиқот институти директори (Россия) билан ҳамкорликда унумли меҳнат қилдик. Докторлик диссертациямдан ташқари, 450дан зиёд илмий мақола, 12та ихтирочилик патенти, 14та ўқув кўплланмалари муаллифиман. Шоғирдлардан: 10дан зиёд магистр, 2 нафар магистрант, 1 докторант етиштиридим.

Шундай қилиб, 2013 йилда Россияда диссертациямни мұваффақиятли ҳимоя қилиб, юксак илмий унвонга әга бўлдим. Қозогистонда ҳам илмандан узилмаган ҳолда, Ҳожа Яссавий номидаги ҲҚТУда директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари (2009-2018 й.) сифатида фаолият юритган йилларим самарали бўлди. Бир нечта ажойиб кашфиётлар яратдик.

**– Уларга қисқача тўхтасангиз...**

– Янгиликларимиз асосан учта ихтисослик: хирургия, онкология ва интервенцион радиология соҳасини қамрайди. Амалий соғликни сақлаш соҳаси учун инфузион порт тизимларидан фойдаланган ҳолда,

жигардан қон кетишининг минимал инвазив жаррохлик олдини олишнинг янги усулини таклиф қилдик. Циррозга чалинган беморларни даволаш учун ишлаб чиқилган ушбу усул жаррохлик аралашуви хавфини, операциядан кейинги асоратлар ва ўлим сонини камайтириш имконини беради. Айни пайтда ушбу инновацияйи усуллар Россия иммий хирургия маркази (Москва), Бошқирд давлат тиббиёт университети (Бошқирдистон, Россия), Жанубий Қозогистон давлат тиббиёт академияси, X. Яссавий номидаги ҲҚТУ ва бошқа олийгоҳларда ўргатилмоқда, ихтисослашган тиббиёт мұассасаларда қўлланилмоқда.

**– Моҳир онкожарроҳ сифатида айтинг-чи, аёллар орасида саратон касаллиги кўпайиб кетиши сабаблари нимада?**

– Қабулимга оналар ёш қизларини олиб келишади. “Мастопатия” ташхиси билан. Ёш қизда бу дард қаёдан пайдо бўлди, деб ҳайрон қоласан. Ваҳоланки, стресс-ҳолат саратоннинг энг биринчи сабабчиси. Мактабда дугоналари билан уришиб қолиб, кейин дардга чалингани маълум бўлади. Аёлларнинг ҳис-ҳаяжонга тез берилиши, шошқалоқлиги, ҳаддан ташқари таъсирчанлиги, эри билан алоқада фаол бўлмаслиги ҳам тана ўсимтларига сабаб бўлади. Эркакларда эса ўпка, ошқозон саратонни кўпайиб кетди. Не-не эркакларни балоларга гирифтор қилаётган иллатлар – тамаки чекиши, спиртили ичимликлар ичиши, ҳамда онкология ўшмалари томонидан кам миқдорда истеъмол қилиш тавсия этилган ҳар хил тез пишар таомлар – фастфудлар, “роллтон”, “доширак”, кока-кола каби маҳсулотларни истеъмол қилиш ҳам ушбу касалликка чалинин ўхтимолини оширади. Саратоннинг йилдан йилга ортиб бориши – турмуш тарзининг бузилиши билан ҳам чамбарчас бөғлиқ. Телефонлар, компютер, турли радиация ҳолатлари бу дардни кўпайтиряти. Ер юзида 2-3 йилда қарийб 19 миллион одам – кардиопатологиядан, 12 миллион одам онкологиядан вафот этиши башорат қилинмоқда. Шунинг учун ҳаётимизга, саломатлигимизга нихоятда эътиборли бўлишимиз шарт. Аллоҳ берган бу буюк неъматларни баҳтисизларга эмас, балки ҳаёт равонлигига сафарбар этиш керак.

**– Болалар онкологияси ҳам кўпайди...**

– “Нурсат” кичик туманидаги болалар касалхонасида алоҳида онкология маркази фаолият юритмоқда. Болаларнинг саратонга чалиниси сабаби – овқатланиши гигиенасининг бузилиши туфайли. Дардни болаларда аниқлаш қийин – чунки бола, кўпинча ўз хасталигини яширади ва шикоят қилмайди. Гап

– уларнинг оналарида. Улар ҳомиладорлик пайтида ёк овқатланиш – парҳез, гигиенага эътиборсиз бўлишади. Мухтарам Элбошимиз Нурсултан Назарбаев ташаббуси билан мамлакатимизда ядро полигони ёпилиб, жуда катта хайрли иш қилинди. Лекин ҳали-хануз у ўша жойларда ногирон болалар туғилаётганига гувох бўлмаз, онкопатология кузатилмоқда.

**– Хорижга кўп бориб турасизми?**

– Япониялик ҳамкорлардан кўп нарса ўрганиш мумкин. Автоҳалокат рўй берса-да, ҳис-ҳаяжонга берилмай, сабротқатли, вазмин бўлишади. Умр ёши 100дан ошиб кетишининг боиси – нафақат тоза океан иклими ва денгиз маҳсулотлари истеъмол қилиши, балки доим табассум ва тавозе билан хушкайфият ҳолда юриши ҳам катта роль ўйнайди. Билсангиз, мумомала маданиятида гап катта. Жамиятда инсоний муносабатлар яхши бўлса, ўша жамият, албатта нажот топади, унда ёмон касалликлар асло бўлмайди.

**– Оиласизда серқирра фаолиятингизга муносабат қандай?**

– 85 ёшли онажонимнинг дуои-фотиҳалари билан ҳар биримиз эрталаб ўз ишимизга чопамиз. Турмуш ўртогим Донохон Е. Юсупов номидаги мактабда мусиқадан дарс беради, олий тоифали мусиқа ўқитувчи. Катта ўғлим Фирдавс ва келиним Шоҳиста шаҳар онкодиспансерида онколог-шифокорлар. Невараларим Ойша ва Мансур – оиласиздин күннини. Кенжя ўғлим Дамир ахборий дастурловчи касбинин танлаган.

**– Қандай мукофотлар билан тақдирлангансиз?**

– Ўзбекистонда республикада “Энг яхши шифокор” (1994 й.), “Энг яхши ёш олим”, “Энг яхши педагог” унвони соҳиби бўлганман. Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти ўтказган танловлар голиби бўлганим учун Германия, Венгрия, Россияга саёҳат йўлланмалари беришган. Илм-фанга қўшган ҳиссам учун «А.Нобель номидаги медаль», Россия Табиий Фанлар Академиясининг профессор унвони ва Фахрий ёрлиқлари, 8-10 йил мобайнида Қозогистонда инновацияйи технологияларни кўллаганим учун қатор мукофотлар билан тақдирландим. Мустақиллик куни арафасида “Дўстлик” ҳамжамиятининг “Дўстлик” медалига сазовор бўлдим.

**– Қизиқарли ва мазмунли сұхбатингиз учун ташаккур!**


**Қўллаётган янги илфор инновацияйи технологиялар беморларимиз дардини аритиб, умрларини узайтирсинг.**

**Н. МАВЛОНОВА.**

**Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.**  
**Аллоҳ таолога биттас-түгандын ҳамда санолар бўлсин.**  
**Пайғамбаримизга мукаммал ва батамом салавоту дурудлар бўлсин.**

# АЛЛОҲНИНГ ГЎЗАЛ ИСМЛАРИ

## Ал-Мутакаббир



«Мутакаббир» исмининг маъноси кибриёси ва улуғлиги беҳад деганидир. У Зотниң олдида бошқалар кўп бўлиб туради. У Зот ҳар бир ёмонлик ва нуқсондан ҳамда бандаларига зулм қилишдан юкоридир. Ким Аллоҳ билан кибриёликда тортишса, унга қақшатқич зарба беради ва азоблайди.

Ал-Мутакаббир сўзи кўйидаги маъноларда келади:

Ал-Мутакабbir – подшоҳ, эга.

Ал-Мутакабbir – улуғ, улкан.

Ал-Мутакабbir – буюк.

Ал-Мутакабbir – бандалардан зулмни аритувчи.

Ал-Мутакабbir – ҳеч кимга бўйсунмайдиган, бирор нарса Унинг устидан хўкум юритмайдиган.

Ал-Мутакабbir – маҳлуқотлар қилган вассфдан олий.

Агар Аллоҳниң маърифати, яъни У Зотни таниш бир денгиз бўлса, инсоннинг Аллоҳни билиши нинани денгизга согланда унга илашиб чиққан намчалик ҳам бўлмайди. Лекин Али розияллоҳу анхўнинг «Озини олиш кўпни тарқ қилишдан яхшироқдир» деган сўзига амал қилган ҳолда, Аллоҳни танишда давом этамиш.

Аллоҳни таниш учун ҳаётимизнинг бъязи кўринишларидан бирор зарбулмасал келтириш жоизми?

Бунинг жоизлигига кўйидаги оятлар далил бўлади.

**«Аллоҳ эса энг юксак хислатлар соҳибидир»** (Наҳл сураси, 60-оят).

**«(Аллоҳ) сизларга ўзларингиздан бир мисол келтирур: сизлар учун қўл остингиздаги қулларингиздан Биз сизларга ризқ қилиб берган мол-мулкка шерик бўлиб олувчилар бормики, сизлар (мол-мулкингизни тасарруф қилишда у қулларингиз билин) баробар бўлиб, улардан (ўша қулларингиздан) ҳам ўзларингиздан кўрқандай кўрқумисизлар? Ақл юргиздиган қавм учун оятларни мана шундай баён қилурмиз»** (Рум сураси, 28-оят).

Бу оятни кўйидагича тушуниш керак: агар қўл остингиздаги қулларингиз сизларнинг молу давлатларингизга шериклик даъво қиласалар, сизга итоат қилишдан бош тортуб, мол-дунёларингизни сизлар билан баб-баробар тасарруф қила бошласалар, сизлар эса худди ўзларингизга ўҳшаган озод одамлардан кўрқандек, ўз қулларингиздан қўрқиб турсангиз рози бўлармидингиз? Албатта, рози бўлмас эдинглар. Шундай экан, нега энди оламларнинг Парвардигори бўлмиш Аллоҳ таолога Ўзининг қулларини шерик қилиб оласиз?! Йўқ, яралганлар ҳеч қачон Яратганга тенг бўла олмас!

Бу сўзларни келтиришдан мақсад шуки, «мутакабbir» деган сўзни инсонга нисбатан ишлатсак, салбий маънода ҳосил бўлади, соғлом нафс мутакабbir кишидан жирканади. Аммо бу исмни Аллоҳга нисбатан ишлатсак, ижобий маъно ҳосил бўлиб, ҳар бир инсон ал-Мутакабbir Зотга талпинади.

Фараз қилайлик, бир кишига жарроҳлик амалиёти учун 800 минг сўм зарур бўлиб қолди. У бир қариндошининг олдиға бориб, «800 минг сўм пулинг борми?» деса, у: «Ха, бор» деди. Бошқа қариндошиниң кишига борса, «Йўқ» деди. Аммо уларнинг иккви ҳам ёлғон айтган эди. Бор деб ёлғон сўзлаган киши ўзида йўқ нарсани даъво қилган, йўқ деган киши эса бор нарсани йўқ деб даъво қилган эди.

Такаббурлик ҳам худди шу каби – ёлғон даъво қилишdir. Такаббурлик Аллоҳ учун комиллик, инсон учун эса нуқсонdir. Зоро, Аллоҳ – коинотни ва халойиқни яратган Зотdir. У «Бўл!» деса, ўша иш бўлади. Унинг азамати ва комиллигида ниҳоя йўқdir.

Набий соллалпоҳу алайхи вассаллам: **«Кимнинг қалбида заррача кибр бўлса, жаннатга кирмайди»**, деганлар (*Муслим ривояти*).

Нима учун такабbur одам жаннатга кирмайди? Чунки такабburлик Аллоҳга нисбатан убудиятга қарама-қарши нарсадир. Инсон қулдир, У Зот эса Роббидир.

Макка фатҳ қилингач, Набий соллалпоҳу алайхи вассаллам шаҳарга ғолиб ҳолда кириб келаётгандарида ҳам бошларини эгиб, Аллоҳга тавозуъ қилган холда кирганлар.

Бир киши Набий соллалпоҳу алайхи вассалламнинг ҳузурларига кириб, салобат босиб, қалтираб қолган. Шунда У Зот: «Бирордар, ўзингни бос, мен Маккалар, сур гўшт ейдиган қурайшлик аёлнинг ўғлиман», деганлар.

Гўзалликни, комилликни ва ютуқка эришишни севиш инсоннинг фитратида бор бўлиб, у ана шу ҳислар билан бирга қўшиб яратилган. Аллоҳ таоло Ўзининг олий Зотини мутакабbir деб вассф қилди. Яъни У Зот одамлар У томон талпинишлари учун неъмат ато этишда, тажаллий қилишда, тавфиқ беришда Ўзининг олий Зотини мутакабbir деб номлади. Одатда инсон ўзидан бадавлат, кучли одамга талпинади. Унинг назидида кучлилар уни қўллаб-қувватлайди, бойлар унга пул беради. Лекин аслида инсон Роббини ёлғиз деб билиб, У Зотининг Ўзигина берувчи ва ман қилувчи, пастлатувчи ва баландлатувчи, азиз қилувчи ва хорловчи эканини билса, фақат У Зот томон талпиниб, фақат Аллоҳ таолога юзланади. Шунинг учун Аллоҳ таоло: «Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳга илтижо қилма. Йўқса, азобланганлардан бўлурсан», деб марҳамат қилган (*Шуаро сураси*, 213-оят).

Мусулмон кишининг ҳаётидаги энг хатарли нарса маҳфий ширкдир. Расулуллоҳ соллалпоҳу алайхи вассаллам: «Умматимдаги энг қўрқадиган нарсам маҳфий ширкдир. Мен сизларни бут ва тошларга ибодат қиласизлар деб айтмайман, лекин Аллоҳдан бошқа учун қилинган амаллар маҳфий шаҳват, яъни маҳфий ширкдир», деганлар.

Демак, Аллоҳдан бошқага юзланасак, бошқадан умид қиласак, фалончи ато қиласи, фалончи ман қиласи, фалончи химоя қиласи, фалончи зарар беради десак, маҳфий ширк ҳолатига тушиб қолар эканмиз.

Бошқалар бадавлат одамнинг олдиға пул умидида, кучлининг олдиға ҳимоя умидида борса, мўмин киши фақат Аллоҳ томон талпинади, чунки у Ўзининг охиратдаги оқибатини фақат Аллоҳ билан бирга деб билади.

Мутакабburlik Аллоҳниң шаънидир. У Зот ато қилишда, муваффак қилишда, муҳофаза қилишда, қўллаб-қувватлашда, ғалаба ато қилишда шериги йўқ буюк Зотdir. У Зот сенга: «Мен томон юзлан, Мен томон кел, Мендан бошқани тарқ қил. Нима учун Мендан бошқага юзланиб, ўзингни азобга дучор қиласан, ахир унда ҳеч нарса йўқ-ку? У сен каби камбағал-ку? У сен каби жоҳил-ку? У Менинг ёрдамимга муҳтожку?» дейди.

Аллоҳниң шаъни такабbur бўлиш,

банданинг шаъни эса тавозуълик бўлишdir. Шундагина банди Аллоҳниң ёрдамига, ҳимоясига мушаррафа бўлади. Шундай экан, Аллоҳга ноchorligimizни изҳор қилиб, тавозуъли бўлайлик. Бир ишни қилмоқчи бўлсангиз, «Аллоҳумма, инний табарроъти мин ҳавлий ва қувватий, валтажаъти илаа ҳавлика ва қувватика, йаа Зал қувватил матийн» (Аллоҳум, ўзимдаги куч-қувватни тарқ қилиб, эй қувват соҳиби Сенинг куч-қувватингга топшираман) деб айтинг.

Мен бир шифокорни танимайман. У беморни жарроҳлик амалиётига тайёрлаб бўлгач, унинг олдида иккি ракъат намоз ўқиб, саждада Роббига муножот қилиб: «Роббим, менга ёрдам қил! Роббим, тўғри йўлга илҳом бер! Роббим, мени муваффақ қил!» деб, сўнг иш бошлайди.

Бирордар! Ҳар қандай ишни, у хоҳ кичик бўлсин, хоҳ катта бўлсин, хоҳ моддий бўлсин, хоҳ илмий бўлсин, ана шу дуони айтиб бошлаш керак. Чунки банданинг иши тавозуъ ва эҳтиёжманд бўлишdir. Ҳалойиқнинг энг яхшиси бўлмиш саҳобалар Бадр кунида тавозуълик қилишган эди, Аллоҳ уларга ғалаба ато қилди. Аммо Ҳунайн куни аслаҳа ва сон жиҳатидан кўп эканларига сянишган эди, ғалабага эриша олишмади. Бу ниҳоятда муҳим сабоқдир. Биз бундай сабоққа ҳар куни, ҳар соат, ҳар дақиқада муҳтожмиз.

Менинг дипломим бор, менинг тажрибам катта, мен аслзодаман каби сўзларни айтишдан эҳтиёт бўл. «Меники», «менда», «мен», «биз» деган сўзлардан эҳтиёт бўл, чунки шайтон ҳам: **«Мен ундан яхшиман, мени ўтдан яратдинг, уни эса лойдан яратдинг»**, деган (*Аъроф сураси*, 12-оят).

Аллоҳ Билқис қавмини кўйидаги сўзлари сабаб ҳалок қилди: **«Биз куч-қувват эгаларимиз, шиддатли азму шижаат эгаларимиз»** (*Намл сураси*, 33-оят).

Корун: **«Бу менга ўзимдаги илм тифайлигина берилган»**, деган эди. Бу сўзлар учун Аллоҳ таоло уни ҳалок қилди: **«Биз уни ва ҳовли-жойини ерга ютиридик. Ўнга Аллоҳ(нинг азоби)дан ёрдам берадиган гурух ҳам бўлмади, унинг ўзи ҳам нусратга эришгувчилардан бўлмади»** (*Қасос сураси*, 78-оят).

Ал-Мутакабbir исми кучли деган маънодадир. Бугунги кунда мусулмонлар ниҳоятда заиф бўлиб, уларнинг ҳолати рози бўладиган даражада эмас.

Энди мусулмонларнинг заифлиги билан Аллоҳниң ал-Мутакabbir сифатини бир-бира қандай боғлаймиз? Аллоҳ таоло буюқдир, У Зот ғалаба беришда, қўллашда, ато қилишда, афв қилишда, муваффақ қилишда буюқдир. Аммо Аллоҳ ато қилидиган ғалабанинг тўлови бор. Биз ўша тўловни тўламагунимизча ғалабани кўлга кирита олмаймиз. Бу тўлов – Аллоҳниң тоатига олиб борувчи иймондир. Ана шу иймонгина ғалабага олиб боради. Тоат-ибодатга йўлламайдиган иймон шайтоний иймондир. Қуйидаги бир оят Ислом оламидаги муаммолар учун ечимдир.

«Агар сабр ва тақво қилсангиз, уларнинг макри сизга ҳеч зарар қилмас. Албатта, Аллоҳ уларнинг қилаётган ишларини иҳота қилгувчи-дир» (*Оли имрон сураси*, 120-оят).

Демак, сабр билан бирга қилинган тақво ғалабага олиб борувчи йўлдир. Гуноҳ билан бирга қилинган сабр эса фақат қабрга олиб боради.

Набий соллалпоҳу алайхи вассаллам: «Ким Аллоҳ учун тавозуъ қилса, Аллоҳ уни баланд қилиб қўяди. Ким жабру ситам қилса, Аллоҳ уни яксон қиллади», деганлар (*Имом Баззор Толҳа ибн Убайдуллоҳдан ривоят қилган*).

Бошқа бир ҳадисда Набий соллалпоҳу алайхи вассаллам: **«Аллоҳ менга тавозуъни, ҳеч ким ҳеч кимга зулм қилмаслиги ҳамда ҳеч ким ҳеч кимга фахрланмаслигини ваҳий қилди»**, деганлар (*Абу Довуд ривояти*).

Кўпчилик даҳшатли хато қилиб қўйиб, шундан кейингина ўзини паст олиб, тавозуъ қила бошлайди. Бундай тавозуъ нуқсонли бўлиб, унинг қадри ҳам йўқдир. Ҳақиқий тавозуълик бўлиш покиза ҳолатда, ҳақ йўлда, жиноятга қўл урмаган ҳолатда, топгани ҳалол бўлиб, бошқаларга ибрат бўлган ҳолда қилинган тавозуъдир.

Бир инсоннинг олдиға меҳмон келди. Унинг озгина сутдан бошқа таоми йўқ эди. У ўша сутга беш баробар сувни кўшиб, ажойиб ичимлик тайёрлаб, меҳмонларга тақдим қилди. Шу сутга бир томчи бензин аралашиб қолса борми, сут мутлақо бадбўй бўлиб, мазаси ҳам бузилиб кетар эди. Аллоҳга тақабburlik билан қилинган ибодат ҳам худди сутга бензин аралашганга ўшайди. Демак, мўмин киши кеккайган, тақабbur бўлиши мумкин эмас.

Бир киши Набий соллалпоҳу алайхи вассалламдан: **«Киши кийими гўзал, пойафзали яхши бўлишини истаса, мана шу ҳам тақабburlik бўладими?»** деб сўради. У зот: «Йўқ, бу тақабburlik эмас. Аллоҳ гўзалдир, гўзаликни яхши кўради. Такабburlik эса ҳақни инкор қилиш ва одамларга паст назар билан қарашдир», дедилар (*Имом Муслим ва Абу Довуд ривояти*).

Мўмин киши ал-Мутакabbir сифатидан хуқлансан, Роббига ҳеч бир камчиликка йўл қўймай тавозуъ қилади, У Зотга юзланади.

Аллоҳ таоло барчамизни кибрандан сақласин, тавозеъ насиб қилсан, Ўзининг ал-Мутакabbir сифатидан таважжуҳ қилсан.

**Доктор Муҳаммад Ротиб Наблусийнинг «Аллоҳниң гўзал исмлари» номли асари асосида Анвар АҲМАД таржимаси.**

● Обуна-2022

## ҲАМКАСБЛАРДАН ЎРГНАДИГАНИМИЗ КҮП...

Янги, 2022 йилнинг дастлабки ойи ҳам ярмидан ошди. Дунё битта, ташвиши мингта, деган халқ нақли бежиз айтилмаган. Обунани ташкил этиши, тушунтириш, тарғиб ишлари ҳали-хануз давом этмоқда. Ҳозирги шароитда йил ўн иккى ой давом этиши аниқ.

Вилоятимизда чоп этиладиган, вилоят ҳокимининг расмий нашри саналадиган газеталарнинг янги йилдаги дастлабки сонларини қўлимга олиб, таҳлил қилиб, тақослаб кўрдим. “Жанубий Қозогистон” газетаси адади

12 215 нусхани ташкил этиби. Ўзбекзабон аҳоли сонига нисбатан айнан мақбул бўлмаса ҳам, шукур қиласми.

“Онгустик Қазақстан” газетаси адади эса 37290га этиби. Биздан уч баравар кўп адад даражасига эришишибди. Баракалла, ҳурматли ҳамкаслар. Шурақамга қараб, фикр қиласми.

“Жанубий Қозогистон” газетасининг обунасини тараққий этириш борасида ўзбекзабон миллатдошларимизда фойдаланилмаётган имкониятлар бисёр. Вилоятимиз маркази Туркистон

шахри – туркий оламнинг маънавий маркази мақомига сазовор бўлганилиги Туркистон вилоятида истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро – муаллим, зиёли, дўёндор, ишчи, дехқон, чорвадор, тадбиркор, нафақадорлар учун маънавий масъулият хисобланади. Деҳқончасига жўнроқ тушунтирасак – обуна, бошқа нашрлар қатори она тилимиздаги газетага ёзишиш орқали улуғ ишга, маънавият уммонига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиш. “Жанубий Қозогистон” саҳифаларида чоп этилаётган тинчлик-

тотувлик, ҳамкорлик, тарбия, фазилат, тарих ва ўғит-насиҳат мавзулари – бебаҳо маънавият ҳазинаси, ундан баҳраманд бўлиш газетхонга фақат яхшилик келтиради.

Ҳазрат Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг ноёб дурдона – ҳикмати нақллари бисёр. Шулардан бирида: Сен яхшилидан нима ёмонлик кўрдингки, ҳануз яхшилик қўмаяпсан, – деб ахли мусулмонларга мурожаат этган. Биз ҳам ҳали обунани расмийлаштирган ҳамюртларимизга “Сиз “Жанубий Қозогистон”-дан нима ёмонлик кўрдингизки, ҳануз обуна бўлмаяпсиз, уни кўллаб-кувватламаябсиз, – деб хитоб қиласми.

Обунага – яхшилик, эзгулик манбаига ошно бўлишга шошилинг, азизлар!



## ҚЎЧҚОР ОТАНИНГ ЗИРОАТШУНОС ФАРЗАНДИ

Ўтган асрнинг саксонинчи ийллари Туркистон шаҳар, туман газетасида фаолият юритаётганимда Эски Иқон қишлоғига мақола ҳозирлаш учун борганимда хўжалик раҳбари (кейинчалик Қозогистон Олий кенгаши депутати) Эркин Аббосов кўпинча хизмат сафарида бўлар, бош зироатшунос Жавлон Шодибеков билан мулоқотда бўлиб мақолалар тайёрлаганман.

Ҳозирги қишлоқ ҳокимлиги биносининг биринчи қаватида, чап томонда эди у кишининг хизмат кабинети. Хонасида ҳамиша қишлоқ далаларида этиш-



тирилган, шига ҳосилга кирган гўзапоялар ҳамда буғдой бошоқлари дид билан стол устига кўргазмага териб қўйиларди.

1940 йили Эски Иқонда таваллуд топган, қишлоқ хўжалиги механизаторларини тайёрлаш мактабини, Тошкент қишлоқ хўжалиги олийгоҳини зироатшунос ихтисоси бўйича тамомлаган, 1968 йилдан эътиборан Иқон заминида самарали меҳнат

қиlgan Жавлон ака зироатшунос сифатида шудгорлаш иккярусли сўқа қўлланилганлигини кўй маротаба гапириб берарди. Бу усульнинг моҳияти, пахта далаларини бегона ўт босиб, ҳосилдорликка жиддий зарар етказган йиллари мутахассисларнинг олдига амалий чора кўриш вазифаси қўйилган эди. Иккярусли сўқанинг мазмунмоҳияти – биринчи сўқа ернинг юза қисмини, кейингиси ернинг

теран қисмини бир йўла шудгорлаб, пировардида бегона ўтнинг кўкариб чиқишига йўл бермайдиган самарали усул эди. Жавлон ака раҳбарлигидаги зироатшунослар тавсия этган, механизаторлар томонидан кенг қўлланилган усул шарофати билан минглаб гектар экинзорларда хосилдорликни ошириб, деҳқончиликни, хусусан пахтачиликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Эски Иқон қишлоғи том маънода ўзбек халқининг деҳқончилик тимсоли – пахтачилик маркази бўлиб келган. Собиқ Иттифоқ даврида Туркистондаги жами ҳосилнинг учдан бир қисми Иқон улушкига тўғри келарди. Ўтган 2021 йили пахта хомашёси баҳоси кўнгилдагидек бўлди. Саврон тумани деҳқонлари жами 11 минг гектар майдонда пахта етиштирган бўлса, шулардан 5200 гектари Эски Иқонлик пахтакор деҳқонлар улушкига тўғри келди.

Жавлон Қўчқор ўғли пири бадавлат оила соҳиби сифатида Рим, Элбек, Мирзахон, Дилрабо, Дилором, Лола, Элмурод, Ҳалима, Солихон, Гулчехра, Гулжаҳон исмли қобил фарзандлар тарбиялаб, неваралар кўрган. Улар турли жабҳаларда, хусусан, деҳқончилик соҳасида бугунги кунда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Бир неча бор Иқон қишлоғи ва Туркистон тумани кенгашларига депутат бўлиб сайланган, “Хурмат белгиси” ордени ҳамда кўплаб медаллар билан тақдирланган бободеҳқон-зироатшунос Жавлон Шодибеков орамизда йўй бўлса-да, деҳқончиликни ривожлантиришга қўшган ҳиссалари бугунги авлод хотирасида ҳамиша сақланади.

**Суратларда:**  
Жавлон Шодибеков;  
Иқон далаларида ҳамкаслари билан.

## МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Саврон туманидаги “Қорачиқ” умумий ўрта мактаби директори Музаффар Умаровга хизмат кабинетида доимий жамоатчи обунаси сифатида Мустақиллик тенгдоши “Жанубий Қозогистон” газетаси таҳририяти Ташаккурномасини тақдим этдим. Қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Мирзахон Адҳамовга ҳам шу мукофот тақдим этилди.



Директор М. Умаровнинг таъкидлашича мактабнинг бир неча йил муқаддам янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилган ўқув биноси йил сайн сони ортаётган ўқувчиларга торлик қилимоқда. Янги ўқув биносини қуриш ҳақидаги таклиф-хужжатлар Қорачиқ қишлоғи Туркистон шаҳри тасарруфида эканлигига тайёрланган. Сўнг маъмурӣ бошқарув тизими Кентов шаҳрига ўтгач, ҳужжатларни қайта тайёрлашга тўғри келди. Ва ниҳоят қурилиш бошланыш арафасида қишлоқ янгидан ташкил этилган Саврон тумани тасарруfiga ўтди. Янги мактаб қуриш зарурлиги ҳақида Туркистон вилоят инсон салоҳиятини ривожлантириш бошқармаси, вилоят депутатлари, Саврон тумани ҳокимлиги – барча мутасадди ташкилотларга илтимосномалар етказилган.

Қорачиқ қишлоқ ҳокимлиги маълумотига кўра “Қорачиқ” мактаби учун янги ўқув биноси қурилиши 2023 йил режасига киритилган. Шунингдек, тадбиркор Ҳабибулла Азимов саъй-ҳаракатлари билан хусусий мактаб қурилиши ҳам режалаштирилган.

**Суратда:** мактаб директори ҳузурида.

**Саҳифани Ш. МАДАЛИЕВ тайёрлади.**

Директор – Бош мухаррир – Алишер Фофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Бош мухаррир  
үринбосарлари:  
**Муроджон АБУБАКИРОВ.**  
Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба –  
Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шаҳслар:

Туркистон, Кентов – Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.  
Тўлебий – Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.  
Казигурт – Хуршид КЎЧҚОРОВ. +7-701-447-37-42.  
Сайрам – Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.  
Тулкибош – Мунира САҶДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.  
Обуна, реклама ва эълонлар – Зокиржон МЎМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90.

Қозогистон Республикасида тарқатилади.

Муассис: Туркистон вилояти ҳокимлиги.  
Мулк эгаси – “Жанубий Қозогистон вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва бидирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғлилиги учун муаллифлар, reklama ва эълон берувчилар масъулдор.  
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 160023, Туркистон шаҳри, “Жана қала” кичик тумани, 11-кўча, 26-бино, 3-кават. Телефон: 53-93-17. Телефон: 53-92-79. Бухгалтерия: 39-16-44, +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета КР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелдан рўйхатга олиниб, KZ34VRPU0022503 гувохнома бирелган.

Нашр кўрсаткичи – 65466  
Адади – 12215

“ERNUR-prin” МЧБ босмахонасида чоп этилди,  
Шимкент шаҳри, Т. Алимулов кўчаси, 22.

Буорта:

Навбатчи мухаррир: Наргиза МАВЛОНОВА.